

“Лайк”лар ортидан қувиш ёхуд “Тан олмаслик синдроми”

Куни кеча Кун.уз расмий сайтида “Бир ой ичида 7 аёл қотиллик қурбонига айланди. Масъуллар эса сукутда” сарлавҳаси остида мақола эълон қилинди.

Мақола муаллифи Гулмира Тошниёзова, Ўзбекистонда охириги бир ой ичида 7 нафар аёл турмуш ўртоғи томонидан ваҳшийларча ўлдирилганлиги, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак бўлган ташкилотлардан, жумладан, рўйхат бошида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасидан садо чикмаётганлиги ваз қилиб қайд этилган.

Қўмита томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ишларга сўзимиз якунида батафсил тўхталамиз. Аммо ўринли савол туғилади. Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими”**га қуйидагилар:

- Ички ишлар органлари
- Прокуратура органлари,
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари,
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари,
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари,
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги,
- Адлия органлари,
- Давлат божхона хизмати органлари,
- Давлат солиқ хизмати органлари,
- Меҳнат органлари,
- Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари,
- Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари,
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари,

--Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари,

колаверса, ушбу моддада кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг “**Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги Қонунининг 8-моддасида Ички ишлар органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари ва бир нечта масъуллардан сўнг 12-моддада Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг (ҳозирги Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси) хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Бу борада Қўмита ҳамкор ташкилотлар билан “**Оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда мутасадди вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Қўшма қарори имзоланиб, ушбу Қўшма қарор билан ишчи гуруҳ таркиби, ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган ва ижрога қаратилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ
Қўллаб-қувватлаш вазирлиги,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИНING
ҚЎШМА ҚАРОРИ

Оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни
қўллаб-қувватлашда мутасадди вазирлик ва идораларнинг
ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида

8. Ушбу қарор имзоланган кундан эътиборан кучга кириди.

| | |
|--|--|
| Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З. Махкамова "___" июнь 2022 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Р. Махмудова "___" июнь 2022 йил |
| Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари С. Артикова "___" июнь 2022 йил | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П. Бобожонов "___" июнь 2022 йил |
| Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р. Давлетов "___" июнь 2022 йил | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси Н. Хусанов "___" июнь 2022 йил |
| Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари К. Гурдиев "___" июнь 2022 йил | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси С. Тошбоев "___" июнь 2022 йил |

Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, уларга нисбатан зўравонликни олдини олиш ва уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида 9 та вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорликда “Хорижий давлатларга узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган шахслар, шу жумладан аёлларнинг оилаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси”:

Хорижий давлатларга узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган шахслар, шу жумладан аёлларнинг оилаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар

РЕЖАСИ

| № | Тадбирлар | Тадбирларни ижро этиш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъулар |
|----|---|---|-------------------|---|
| 1. | Хорижий давлатларга кетган аёлларнинг янгилаб бориш | 1. Хорижий давлатларда узоқ муддатга юрган шахсларнинг рўйхатларини шакллантириш. 2. Профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадда шакллантирилган рўйхатлар бўйича Узро ахборот алмашиш. 3. Ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш. | домий | Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва ҳуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги |
| 2. | Узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган шахслар, шу жумладан аёлларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш. | 1. Хар бир маҳаллада кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда хонадонларни ўрганиб бориш. 2. Ўрганишлар натижасида сектор раҳбарлари, туман (шаҳар) хотин-қизлар фаоллари томонидан хотин-қизларни “Аёллар дафтари”га киритиш бўйича тақдирларни тегишли халқ депутатлари | домий хар ойда | Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва ҳуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, |

8 та вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бандлигини ва таълим олишларини таъминлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси”;

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бандлигини ва таълим олишларини таъминлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар

РЕЖАСИ

| № | Тадбирлар | Тадбирларни ижро этиш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъулар |
|----|--|--|--------------|--|
| 1. | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган хотин-қизлар таълим ва таълим олишларини таъминлаш бўйича | 1. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш. 2. Ички ишлар вазирлиги томонидан шакллантирилган хотин-қизларнинг рўйхатини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этиш. 3. Шакллантирилган рўйхатлар асосида ваколатли идоралар билан ҳамкорликда яқин ва умумий тартибдаги профилактик тадбирларни амалга ошириш. | домий | Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги |
| 2. | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган хотин-қизларни таълим олишларини таъминлаш бўйича | 1. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш. 2. Таълим қўмитаси билан ҳамкорликда таълим олишларини таъминлаш бўйича тақдирларни тегишли халқ депутатлари | домий | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва ҳуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

Вояга етмаганлар орасида суицид ҳолатларининг барвақт олдини олиш бўйича 2022 йил давомида ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар йўл харитаси;

Вояга етмаганлар орасида суицид ҳолатларининг барвақт олдини олиш бўйича 2022 йил давомида ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Ижро учун масъуллар |
|--|---|---|--|---|
| I. Вояга етмаганлар ва уларнинг оналлари билан ишлашга доир тадбирлар | | | | |
| 1. | Суицид ҳолатлари ошганининг инноватга олиб, "Болаларни истиқомий қўлаб-қувватлаш марказлари"даги вояга етмаганларга истиқомий психологик ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳлари фаолиятини худудлар кесимида ўрганиш. | 1. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида "Болаларни истиқомий қўлаб-қувватлаш марказлари"даги ишчи гуруҳлари фаолиятини суицид ҳолатларга мойиллиги бўлган ўқувчиларни барвақт аниқлаш ва истиқомий-психологик ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини танқидий ўрганиб, масъулиятини кучайтириш. | 2022 йил май-июнь | Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Оида ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нурунийларни қўлаб-қувватлаш вазирлиги |
| 2. | Танглик вазиятига тушиб қолган вояга етмаганлар билан ишлаш на уларга ёрдам кўрсатиш борасида методик қўлашмаларнинг намунавий ягона шаклини яратиб учун малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузиш. | 1. Танглик вазиятига тушиб қолган вояга етмаганлар билан ишлаш на уларга ёрдам кўрсатиш борасида методик қўлашмаларнинг намунавий ягона шаклини яратиб учун малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузиш. 2. Тайёрланган услубий қўлашмани (таъсилларни) нашр қилиш на таълим муассасаларига ва мутахассисларга етказиш. | 2022 йил июнь 2022 йил май-июль | Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий на ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги |
| 3. | Мактаб психологларига методик ёрдам берувчи мобил методик гуруҳларни ташкил этиш. | 1. Ҳар бир худудда етакчи олий таълим муассасаси ҳузурида профессор-ўқитувчилар, умумтаълим мактаблари ҳамда малакали ва | 2022 йил июнь | Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий на ўрта махсус таълим вазирликлари, |



Ҳозирги кунда мамлакатимизда оила ва хотин-қизларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини ҳуқуқий билимларини оширишга, жамиятда салбий ҳолатларни бартараф этишни кенг тарғиб қилишга қаратилган **“Бахтли оила – фаровон келажак”** мавзусида **2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.**

ТАСДИҚЛАЙМАН!
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазир ўринбосари,
Оида ва хотин-қизлар давлат
қўмитаси раиси
З. Мақомова
2022 йил сентябрь

Мамакатимизда оила ва хотин-қизларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини ҳуқуқий билимларини оширишга, жамиятда салбий ҳолатларни бартараф этишни кенг тарғиб қилишга қаратилган **“Бахтли оила – фаровон келажак”** мавзусида 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар

РЕЖАСИ

Мақсад: Мамакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида таълим ва ўзривонликнинг олдини олиш, мароми таъсиқларда хотин-қизлар учун қўлай меҳнат шартлари яратиш борасида қўйи тушунмаларнинг ўзривон ҳамкорликни таъминлаш, асос, дав, соғий қариндар, миллий мансублик сөн истиқомий қўлаб-қувватлаш бўлими билан биргаликда, меҳнат сөн иш гуруҳлари соҳасидаги муомала сөн йиқиниётлар тенгликнинг йиқиниётга сөн нурут етказилишига олиб келувчи ҳар қандай фарқларга йиқиниётга сөн қўлашмас, муомалани ў нақсидан аниқлаш на бартараф этиш тизимини самардорлигини ошариш

| Т.р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъул ижрочилар |
|--|--|--|--------------|---|
| I. Чора-тадбирлар режасидаги вазифаларни самарали таъмиқ этиш | | | | |
| 1. | Чора-тадбирлар режасидан вазифаларни самарали таъмиқ этиш қўлашмас масъулларга кўрсатишлар | 1. Вазир, туман (шаҳар) раисларга ишчи гуруҳларни ташкил этиш. | 10 октябрь | Оида ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ишчи ишлар маркази, |

| Т.р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъул ижрочилар |
|-----|--|---|--------------|---|
| 26. | Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсидида жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари на блогерлар интироқида очик мулоқотлар ташкил этиш. | 1. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари на блогерлар билан тизимли ҳамкорлик ўрнатиш. 2. Ҳуқуқбузарликлар йўналишлари бўйича худудларда очик мулоқотлар ўтказиш. | домий | Ёшлар ишлари агентлиги, мақаллий ҳокимликлар Оида ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ишчи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |

Оида ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси ўринбосари

Н. Эргамбердиева

Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш, жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ на зўравонликларга мурасасизлик муҳитини шакллантириш борасида 65 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Жумладан, Республика бўйича хотин-қизлар томонидан содир этилган 6871 та **жиноят таҳлил қилиниб, муҳокама йиғилишлари ўтказилди.**

Юқорида кўрсатилган салбий ҳолатлар хотин-қизлар эмас, аксинча хотин-қизларга нисбатан эркақлар томонидан содир этилаётганини мақола муаллифи наҳот фарқига бормаса?! Жиноятнинг ҳар бири фожиа. Фожиа бўлганда ҳам унинг қурбони аёл. Оқибатда жабр кўраётганлар онасидан эрта жудо бўлиб, етим қолган болалар бўлиб ҳисобланади.

Мамлакат раҳбарининг жорий йил 1 мартдаги ПФ-81-сонли Фармони ва ПҚ-146-сонли Қарорига асосан ўз фаолиятини бошлаган Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ўз позициясининг бир қисми сифатида хотин-қизлар ҳимояси йўлида ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари билан ҳамкорликда **37959 нафар** тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этди.

Ҳимоя ордери бериш натижасида **8839 та оилани яраштиришга**, **16298 та низони бартараф этишга** эришилган. **4744 та** расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари бўйича маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланиб, **хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.**

Кун.уз мухбирининг мақоласида, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва уларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун тузилган ташкилотлар рўйхатида 8-рақам остида келтирилган **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ МАРКАЗЛАРИ** ҳақидаги фикрига шуни қўшимча қилмоқчимизки, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 21 сентябрдаги ПҚ-376-сонли Қарорининг 3-ИЛОВАСида** Маҳаллаларда ташкил этиладиган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ҳудудлар кесимида бўш турган бинолар ҳақидаги маълумотларни ўрганган ҳолда 2022 йил октябрдан 2023 йил октябрь ойларига қадар ўз фаолиятини бошлаши назарда тутилган.

Бу эса мухбирнинг соҳани яхши ўрганмай туриб, журналистик одоб-ахлоқ қоидаларига зид равишда ўз позициясини билдириб хулоса берганлигидан далолатдир.

Қўмита ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари, намунали туманлараро **МАРКАЗ**лари мавжуд бўлиб, мазкур **МАРКАЗ**лар томонидан **5 735 нафар** хотин-қизларга **жумладан, 2461 нафарига** психологик, **2232 нафарига** юридик, **268 нафарига** тиббий, **774 нафарига** бошқа ёрдам турлари кўрсатилди. Жабрланувчиларнинг **825 нафари ётоқхонага жойлаштирилди.**

Ўтган давр мобайнида бандлик органлари билан ҳамкорликда 472 392 нафар ишсиз хотин-қизларнинг **бандлиги таъминланди.**

83 491 нафар хотин-қизлар **касб-ҳунарга ўқитилди.**

2 006 618 нафар хотин-қизлар **онкоскрининг текширувидан ўтказилди.**

Уларнинг 3 195 нафари аниқланган касаллик бўйича, 1327 нафари эса эрта босқичларда аниқланиб, соғломлаштиришга жалб қилинди.

648 261 нафар нуроний онахонлар **чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди**, уларнинг 108886 нафари зарур **дори-дармонлар, озик-овқат,**

пойабзал билан таъминланди, 12178 нафарининг санаторийларда даволанишлари ташкил этилди, 7989 нафарига реабилитация воситалари тақдим этилди;

“Аёллар дафтари”нинг 3-босқичига **644 849 нафар** хотин-қизлар киритилган бўлиб ҳозир кунда **608 646** нафарига ёрдам кўрсатилди.

Хусусан: 1-тоифа бўйича:

214 457 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлардан **208 966 нафари** яратилган янги иш ўринлари ва жамоат ишларига жойлаштирилди.

2-тоифа бўйича

46 455 нафар тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг **39 665 нафарига** тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

3-тоифа бўйича

179 497 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлардан **165 283 нафарига** бир марталик моддий ёрдам берилди. Шундан, **3 819 нафарининг** уй-жойи таъмирлаб берилди.

4-тоифа бўйича

121 966 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож 1 ва 2 гуруҳ ногиронлиги бўлган шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлардан **117 108 нафарига** моддий ва тиббий ёрдам кўрсатилди. Шундан, **2 343 нафарининг** уй-жойи таъмирлаб берилди.

5-тоифа бўйича

11 421 нафар уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг **8 874 нафарига** ёрдам кўрсатилган. Шундан, **2 547 нафари** уй-жой билан таъминланди, **6 327 нафарига** ижара компенсацияси тўлаб берилди.

6-тоифа бўйича

71 053 нафар қармоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжман аёллардан **68 750 нафарига** моддий ёрдамлар берилди.

Шундан, **3 952 нафарига** томорқадан унумли фойдаланиш учун амалий ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 августдаги 437-сонли Қарорига мувофиқ, Жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилган **“Оқила аёллар”** ҳаракати жамоатчилик тузилмаси

бўлиб, бу ҳаракат фаолияти учун давлат бюджетидан маблағ ҳам, хизмат машинаси ҳам ажратилмаган.

Шунингдек, мақолада келтирилган бир нечта тузилмалар ва ташкилотларнинг фаолияти айти пайтда тугатилган. Жумладан, Қонунчилик палатасининг оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси, **”Оила”** илмий-амалий маркази, **Қайноналар кенгаши** умуман **ҳатто ТУЗИЛМАГАН** ҳам.

“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институтига эса аввалги номи **“Маҳалла ва оила”** илмий-тадқиқот институти бўлганлик важи келтирилмоқда. Албатта ушбу ном давлат раҳбарининг Қарор ва Фармонлари талабларига мувофиқ ўзгартирилган.

“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти ўз навбатида қўйидаги ишларни амалга ошириб келмоқда.

“Оилада зўравонликни олдини олиш комплекс социологик тадқиқоти” мавзусида қисқа муддатли илмий лойиҳаси амалга оширилди ва қўйидаги натижаларга эришилди:

Илмий лойиҳа доирасида 7 та илмий мақола, 4 та услубий қўлланма, 2 та буклетлар тайёрланди, 5 та юқори турувчи органлар ва мутасадди ташкилотларга тавсиялар берилди, 2 та онлайн-вебинар, 1 та конференция ташкил этилди.

“Оилада жиноятлар ва зўравонликлар, оиладаги криминоген муҳит, келиб чиқиш сабабларини тадқиқ этиш” мавзусида қисқа муддатли илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилди ва қўйидаги натижаларга эришилди:

Илмий лойиҳа доирасида 10 та илмий мақола, 1 та услубий қўлланма тайёрланди, юқори турувчи органлар ва мутасадди ташкилотларга таклиф ва тавсиялар берилди

“Causes of Crime And Violence In The Family” мавзусида илмий мақола тайёрланди ва (SKOPUS) халқаро илмий базага жойлаштирилди asli.usmon@mail.ru;

“Халқаро стандартлар асосида оилада зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш” мавзусида қисқа муддатли илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилди ва қўйидаги натижаларга эришилди:

Оилада зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик хизмат кўрсатиш борасидаги халқаро стандартлар ўрганилди, 15га яқин хорижий мамалакатлардаги тажриба тадқиқ этилди. “Халқаро стандартлар асосида оилада зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга замонавий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш” мавзусида аналитик ишланма тайёрланди.

“Ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга комплекс ёрдам кўрсатиш” мавзусида қисқа

муддатли илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилди ва қўйидаги натижаларга эришилди:

Илмий лойиҳа доирасида 7 та илмий мақола, 4 та услубий қўлланма, 2 та буклетлар, 1 та флаер тайёрланди, 1 та юқори турувчи органлар ва мутасадди ташкилотларга тавсиялар берилди, 2 та онлайн-вебинар ўтказилди.

“ Оилавий ажралишларни камайтириш ҳамда турмушда тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштиришнинг илмий-амалий жиҳатлари (социологик таҳлил асосида)” мавзусида қисқа муддатли илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилмоқда:

2022 йил май-октябрь ойларида қисқа муддатли илмий-тадқиқот лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида оилада хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини ўрганиш бўйича ўтказилган социологик тадқиқот ўтказилди. Мазкур тадқиқот хулосалари асосида таҳлилий маълумот тайёрланди.

Қўмита Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги **“Республика қиз болалар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси”**да тарбияланаётган 121 нафар қизларда ҳаётий кўникмаларни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Мақолада, Ўзбекистонда охириги бир ой ичида **7 нафар аёл** турмуш ўртоғи томонидан ваҳшийларча ўлдирилди, деган маълумот берилган, мақола ичида **6 та** ҳолат акс этган.

Мазкур барча жиноятлар юзасидан Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари воқеа жойига чиқиб, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳолатни ўрганишган. Жиноятчилик муҳокамаларида иштирок этган, жанжалга мойил оилалар билан мунтазам иш олиб борилиб, ўз вақтида далолатномалар тузилган. Мақолада келтирилган барча ҳолатлар юзасидан Қўмитанинг телеграм канали ва расмий веб-сайтида <https://t.me/davlatqomita>, <http://www.facebook.com/davlatqomita> ўз вақтида расмий муносабатлар билдирилган ва эълон қилиб борилган (*Расмий муносабатлар жадвали илова қилинади*)

Давлатимиз раҳбарининг **2022 йил 1 март** куни кенгайтирилган тарзида ўтказилган видеоселектор йиғилишида расмийлаштирилган 18-сонли **Баённинг 28-бандида** Аёлларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимояси суд томонидан кафолатланиши, **Маҳалла РАИСИ** эса ўз ҳудудида аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш комиссиясига **БОШ** бўлиши кўрсатилган.

Кун.уз мухбирига яна бир савол билан мурожаат қилмоқчимиз.

Мухбир мақола ёзиш, бирор-бир соҳа фаолиятини чуқур таҳлил қилиш (айблаш)дан олдин соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиққанмикан?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида
2022 йил 1 март куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган
видеоселектор йиғилишининг
18 - сонли БАЁНИ

Раислик қилувчи: Ш.М. Мирзиёев – Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Қатнашганлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари
ва уларнинг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари,
марказий муассасалар, вазирликлар, идоралар,
ҳўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари
раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги
Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, Тошкент
шаҳри, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари
(*рўйхат бўйича*).

КУН ТАРТИБИ:

Хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш,
уларнинг жамиятдаги мавқени янада мустаҳкамлаш
борасидаги долзарб вазифалар тўғрисида
(Мирзиёев, Нарбаева, Исмоилов, Аршнов, Худайбергенов, Махкамова, Рафиқов,
Камалов, Абдуразақов, Бозоров, Боболов, Артикходжаев, Абдурахмонов, Мирзиёев)

28. Аёлларнинг тазйик ва зўравонликдан ҳимояси суд томонидан
қафолатланиши белгилаб қўйилсин.

Ҳимоя ордерлари суд томонидан бир йил муддатгача берилди
ва ордерда белгиланган мажбуриятлар устидан катъий назорат ўрнатилади.

11

Бунда:

маҳалла раиси ўз ҳудудида аёлларга нисбатан тазйик ва зўравонлиқни
олдини олиш комиссиясига бош бўлади;

хотин-қизлар фаоли жабрланган аёлларга мотивация беради, турмуш
қийинчиликларини енгишни ўргатади, зарур ҳолларда психологлари жалб
этади;

ҳоким ёрдамчилари онла аъзоларининг бандлигини таъминлайди;
профилактика инспектори зўравонлик содир этган шахснинг ҳулқ-
атворини ўзгартиришга масъул бўлади.

Аксарият ҳолларда айрим мухбирлар томонидан масалага юзаки ёндашиш, ташкилот фаолиятини обрўсизлантириш ҳолатлари кузатилмоқда. Жумладан, бирор-бир кўнгилсиз ҳодиса содир этилганда, ижтимоий тармоқлар ва расмий сайтлар айбсизлик презумпциясига амал қилмасдан, жиноятга ҳуқуқий баҳо берилмай туриб, маълумот кенг омма муҳокамасига қўйилмоқда. Муҳокамалар давомида билдирилаётган фикрлар ўша оилада вояга етаётган болалар ва оиланинг бошқа айбсиз иштирокчиларининг кейинги тақдирига салбий таъсир кўрсатиши инобатга олинмаслиги оқибатида яна бошқа айни бир турдаги жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўляпти.

Ваҳолонки, масъул ваколатли идоралар ушбу ҳолатлар бўйича ўз вазифасини бажараётганлиги, тергов ҳаракатлари тугагач, якуний ҳулоса берилиши ҳақида маълумот эълон қилинса-да, ўз тасдиғини топмаган фикрларни кенг оммага сингдиришга уринишлар кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Судлар тўғрисидаги Қонунинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти фақат судлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Мақола охирида хотин-қизлар масалаларига масъул тузилмаларнинг расмий сайтларида мажлислар, ҳисоботлар, тақдимотлардан бўлак ҳеч нарса йўқ, деган иддаога жавобимиз қуйидагича:

1. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорликка йўналтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оғир ижтимоий ва зиятга тушиб қолган хотин-қизларга психологик-ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш, уларнинг муаммоларни ҳал этишга доир ўтказилган йиғилиш ва мажлислар,
2. Бандлик, касб-ҳунарга ўқитиш, кредит ва субсидия бериш, уй-жойини таъмирлаш, оғир турдаги операцияларнинг тўловини амалга ошириш ва бошқа соҳага оид амалга оширилган ишлар ҳисоботи,
3. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган йирик лойиҳалар тақдими расмий сайтда ўз аксини топган.

Бундан ташқари, Қўмита фаолиятига доир тадбирлар, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари, ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар: ИИВ, Бош прокуратура, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, ССВ, Уй-жой коммунал хўжалик вазирликлари, Кадастр агентлиги ва бошқа масъул вазирлик, идоралар билан биргаликда ўтказган “Сайёр қабул”лар ва ундаги ҳал этилаётган мурожаатлар ҳам расмий сайтда ўз аксини топган.

Жумладан, Яшнобод туманидаги Қуйлуқ бозори ҳудудида норасмий мавжуд бўлган “Мардикор аёллар бозори”даги хотин-қизлар билан ўтказилган “Сайёр қабул”да Кун.уз муҳбири ва мақола муаллифининг ўзи ҳам иштирок этиб, видеоматериал тайёрлаб, Қўмита ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари томонидан мардикор аёлларнинг муаммосини жойида ҳал этиш учун қилинаётган ишларни ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлган бўлса-да, бироқ негадир бу видеолавҳа Кун.уз сайтларида эълон қилинмади.

Мақола сўнгида муаллиф айблаганидек, хотин-қизлар муаммоси ечимига жон куйдирмаётган айбдор бизмизми ёхуд шахсан гувоҳи бўла туриб, оила ва хотин-қизлар масалаларига дахлдор тузилмалар фаолиятини, амалга ошираётган ишларини тан олишни истамаётган муҳбир қиз айбдорми?

Ҳурматли, Г.Тошниёзова!

Қўмита ўз фаолиятини 1 март куни бошлаган бўлса-да, орадан ўтган қисқа муддатда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб, жадал суръатларда фаолиятини олиб бормоқда. Агарда Қўмита фаолиятига ишончсизлик бўлса, биз сизни Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларига истаган пайтда келиб, ўзингизни қизиқтирган саволлар ва рақамларни олишга, Қўмита фаолияти билан яқиндан танишишга чақириб қоламиз.

| № | Вилоятлар | Мурожаат манзили | Мурожаат | Муносабат |
|---|-----------------|--|--|---|
| 1 | АНДИЖОН ВИЛОЯТИ | <p><i>Андижон вилояти Избоскан тумани</i></p> <p>https://t.me/andijon_bugun/39993</p> | <p>https://t.me/andijon_bugun/39993</p> <p>3</p> <p>Андижонда эр 22 ёшли аёли, унинг онаси ва укасига пичоқ урди, хотини ва қайнонаси воқеа жойида вафот этди, кайноғаси реанимацияда</p> | <p>Андижон вилояти Избоскан тумани Гузар МФЙ Олтиний водий кўчасида қайд этилган қотиллик жиноятдан кейинги ҳолат юзасидан</p> <p>МАЪЛУМОТ</p> <p>Избоскан туманида 2022 йил 12 сентябрь куни Тўрткўл МФЙда яшовчи фуқаро Абдурахмонов Азаматжон оилавий келишмовчилик оқибатида Гузар МФЙда яшовчи қайнонаси Расулова Махбубахон, турмуш ўртоғи Расулова Шохсанам, қайн укаси Расулов Хожиакбарларни пичоқ билан уриб, уларнинг ўлимига сабабчи бўлган.</p> <p>Ҳозирда жабрланувчи Расуловлар оиласида оилани катта фарзанди Расулов Аббосбек Акмалжон ўғли (1995 йилда туғилган) яшаб келмоқда. Фуқаро Расулов Аббосбек бугунги кунда туман ички ишлар бўлимида назоратчи (ёлланма ишчи) бўлиб ишлаб келмоқда. Фуқаронинг хатти-харакатлари туман ИИБ томонидан назоратга олинган.</p> <p>Жабрланувчи Расулова Шохсанамхоннинг 9-ойлик фарзанди Абдулахатов Абдумалик Азаматжон (07.12.2021 йилда туғилган) ўғли Шохсанамхоннинг ҳоласининг ўғли Аҳмедов Ғуломжоннинг (тадбиркор) қарамоғида бўлиб, чақалоқнинг соғлиги яхши, Аҳмедов Ғуломжонга васийлик асосида бериш учун ҳужжатлари туман ҳокимлигига тақдим этилган.</p> <p>Жиноятчи Абдурахмонов Азаматжон яшаб келган хонадонда унинг ота Эшқораев Абдулахат (нонвой), онаси Эшқораева Анорахон (фермер хўжалигида ишчи), укаси Абдурахмонов Азизбеклар (Қирғизистонда давлат университети талабаси) бирга яшаб келмоқда. Оила аъзолари ҳаммаси тинч, соғлиги яхши. Ушбу оилага ҳеч қандай тазийқ ўтказиш ҳолатлари мавжуд эмас.</p> <p>Ўрганиш давомида икки оила ўртасида ҳозирда ҳеч қандай низолар мавжуд эмаслиги аниқланди.</p> |

| | | | | |
|---|-------------------|--|--|--|
| | | | | <p>Андижон вилояти Оила ва хотин-қизлар бошқармаси Мабуот хизмати https://t.me/andoilaxotinqizlar/1821</p> |
| 2 | ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ | <p><i>Жиззах вилояти Зарбдор тумани</i> https://qalampir.uz/news/zhizzakh-da-er-khotinini-uldirib-k-uydi-68109</p> | <p>https://qalampir.uz/news/zhizzakh-da-er-khotinini-uldirib-k-uydi-68109 Жиззахда эр хотини ўлдирди</p> | <p>2022 йил 2 сентябрь куни соат тахминан 15:20 ларда Зарбдор тумани, Янгиҳаёт МФЙ, Диёробод кўчаси, 6-уйда яшовчи, 02.03.1983 йилда туғилган фуқаро Ихчамов Хусан Ихтиёрович яшаш хонадонидида 12.10.1985 йилда туғилган турмуш ўртоғи Ихчамова Гулнора Абдикаримовна билан ўзаро оғзаки тортишиб жанжаллашб қолиб, ўрталарида келиб чиққан жанжал вақтида Х.Ихчамов турмуш ўртоғи Г.Ихчамованинг кўкрак қафаси чап томонига ўткир тигли жисм билан бир неча марта уриб, ҳаёт ҳавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган.</p> <p>Натижада Г.Ихчамова воқеа жойида вафот этган.</p> <p>Мазкур ҳолат бўйича Жиззах вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда Зарбдор туман бўлими ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қилади. Зарбдор туман Янгиҳаёт маҳалласи хотин-қизлар фаоли бу оила билан доимий суҳбатда бўлган. Оила доимий назоратда бўлган. Марҳума Г.Ихчамовага маҳалла хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори томонидан жорий июль ойида оиладаги низолар сабаб ҳимоя ордери ҳам берилган. Бир неча бор оилага тушунтириш ишлари олиб борилган. Минг афсуски, шунча тушунтириш ишларига қарамасдан 2022 йил 2 сентябрь куни фуқаро Х.Ихчамов ўз оиласида турмуш ўртоғи Г.Ихчамованинг ҳаётига зомин бўлди. Бугунги кунда вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси оиланинг фарзандлари билан суҳбатлашиб, уларни марҳуманинг қариндошлари қарамоғига топширишган.</p> <p>Худди шундай Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида ҳам 2022 йил 02 сентябр куни соат 02-00 да, Ғаллаорол тумани Бахт МФЙ У.Аламқаш кўчасида яшовчи 19.06. 1982 й.т. чўпонлик билан шуғулланувчи Сулаймонов Фарход Хабибуллаевичнинг хабарига кўра, 2022 йил 02 сентябр куни соат 02-00ларда, бирга яшовчи турмуш ўртоғи уй бекаси 1987 й.т. Эгамбердиева Шарофат Бахриддиновнани “ўзаро жанжал”оқибатида темир жисим билан бош қисмига бир мартаба уриб, тан жароҳати етказганлигини маълум қилган.</p> |

| | | | | |
|--|--|--|--|---|
| | | | | <p>Оқибатда Эгамбердиева Шарофат Бахриддиновна олган тан жароҳати юзасидан соғлиғи ёмонлашиб “<i>бош мия очиси жароҳати, мия асосидан синиши, бош мия о-ир даража лат ейиши, мия комаси, бошнинг чап қош соҳаси уриб йиртилган жароҳат, троматик шок оғир даражада</i>” ташхиси билан Ғаллаорол ТМКнинг жонлантириш бўлимига ётқизилган, аммо кўрсатилган тиббий ёрдамларга қарамасдан шифохонада вафот этган.</p> <p>Ғаллаоролдаги ҳолат юзасидан ҳам вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда Ғаллаорол туман бўлими мазкур оила билан суҳбатлашган. Ш.Эгамбердиеванинг турмуш ўртоғи Ф.Сулаймонов 2022 йил август ойлари бошида ишлаб пул топиш мақсадида Қозоғистон Республикаси Олмата вилоятига кетиб, у ерда бироз ишлаб шу йилнинг 29 август куни ўз яшаш манзилига қайтиб келганлиги, келган кунидан бошлаб Ф.Сулаймоновнинг турмуш ўртоғи Ш.Эгамбердиева “нега келдинг ўша ерда ишлаб юравермайсанми” деб ўзига яқинлаштирамаганлиги сабабли улар ўртасидасидаги жанжал бўла бошлаганлиги, 2022 йил 1 сентябрь куни соат тахмина 20-00 ларда оила аъзолари билан биргаликда кечки овқатни еганлиги, овқатланиб бўлгач Ф.Сулаймонов уйига ухлаш учун кирган вақтида Ш.Эгамбердиева “кет” деб жанжал қила бошлаганлиги оқибатида Ф.Сулаймоновнинг қўл телефони ва ётоқхонасидаги телевизори синганлиги, тунги соат 01-30 ларда Ф.Сулаймонов турмуш ўртоғига яқинлашган вақтида Ш.Эгамбердиева уйқудан уйғониб “йўқол яқинлашма” деб айтган вақтида Ф.Сулаймонов бу гапдан жаҳли чиқиб ҳовлига чиқиб тахминан 50 смли армотурани олиб хонага қайтиб кириб, тушукда уйғоқ ётган турмуш ўртоғи Ш.Эгамбердиеванинг бош қисмига арматура билан бир неча маротаба уриб тан жараоҳати етказганлиги аниқланган. Гумонланувчи эҳтиёт чораси қамоқда сақланмоқда.</p> <p>Ғаллаорол туман Оила ва хотин-қизлар бўлими мазкур оила билан доимий алоқада бўлиб турган. Мархума Ш.Эгамбердиевага моддий ва маънавий ёрдамлар бериб борилган.</p> <p>Юқоридаги ҳар иккала ҳолатда ҳам оиладаги зўравонликнинг бир кўринишига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳар иккала оилага ҳам бир неча бор тушунтириш ишлари олиб борилган, огоҳлантирилган, ҳимоя ордерлари берилган. Оилани тинчлигини сақлаш, мустаҳкамлаш борасидаги барча ишлар кўрилган бўлсада, оилада</p> |
|--|--|--|--|---|

| | | | | |
|---|-------------------|--|--|--|
| | | | | <p>жиноят содир этилди. Бугун 7 нафар гўдак ҳам онасиз ҳам отасиз қолди. Мазкур ҳолатлардан бошқалар ҳам хулоса чиқаришлари учун вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, вилоят Прократураси, ИИБ ва мутассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Бугун жамиятда ҳамон аёлларга нисбатан турли зўрлик ва тазйиқларнинг учраб туриши бизни янада хушёрликка чорламоқда. Биз оилаларни мустаҳкамлигини сақлашни бош мақсад қилган бўлсакда, аммо оиладаги зўравонликнинг олдини олиш биринчи масала бўлиб турибди. Бу борада Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан қатор чоратадбирларни олиб бормоқда. Ҳолат юзасидан тўғри хулоса чиқаришингизни сўраймиз. Аёлларга нисбатан зўрлик ва тазйиқларнинг олдини олишда жамоатчилик назорати ҳам муҳим эканлигини унутмайлик.</p> <p>https://t.me/oilaxotinqizlar/1825</p> |
| 3 | ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ | <p><i>Жиззах вилояти</i> <i>Ғаллаорол тумани</i> https://podrobno.uz/cat/proissheshtiya/mat-chetyrekh-detey-skonchalas-ot-udara-armaturoy-v-golovu-v-dzhizakskoy-oblasti-ubiytsey-okazalsya/</p> | <p>https://podrobno.uz/cat/proissheshtiya/mat-chetyrekh-detey-skonchalas-ot-udara-armaturoy-v-golovu-v-dzhizakskoy-oblasti-ubiytsey-okazalsya/</p> <p>Жиззахда эр хотини ўлдирди</p> | <p>2022 йил 2 сентябрь куни соат тахминан 15:20 ларда Зарбдор тумани, Янгиҳаёт МФЙ, Диёробод кўчаси, 6-уйда яшовчи, 02.03.1983 йилда туғилган фуқаро Ихчамов Хусан Ихтиёрович яшаш хонадонидида 12.10.1985 йилда туғилган турмуш ўртоғи Ихчамова Гулнора Абдикаримовна билан ўзаро оғзаки тортишиб жанжаллашиб қолиб, ўрталарида келиб чиққан жанжал вақтида Х.Ихчамов турмуш ўртоғи Г.Ихчамованинг кўкрак қафаси чап томонига ўткир тигли жисм билан бир неча марта уриб, ҳаёт ҳавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган.</p> <p>Натижада Г.Ихчамова воқеа жойида вафот этган.</p> <p>Мазкур ҳолат бўйича Жиззах вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда Зарбдор туман бўлими ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қилади. Зарбдор туман Янгиҳаёт маҳалласи хотин-қизлар фаоли бу оила билан доимий суҳбатда бўлган. Оила доимий назоратда бўлган. Мархума Г.Ихчамовага маҳалла хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори томонидан жорий июль ойида оиладаги низолар сабаб химоя ордери ҳам берилган. Бир неча бор оилага тушунтириш ишлари олиб борилган. Минг афсуски, шунча тушунтириш ишларига қарамасдан 2022 йил 2 сентябрь куни фуқаро Х.Ихчамов ўз оиласида турмуш ўртоғи Г.Ихчамованинг ҳаётига зомин бўлди. Бугунги кунда вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси оиланинг фарзандлари билан суҳбатлашиб, уларни марҳуманинг қариндошлари қарамоғига топширишган.</p> |

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | <p>Худди шундай Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида ҳам 2022 йил 02 сентябр куни соат 02-00 да, Ғаллаорол тумани Бахт МФЙ У.Аламқаш кўчасида яшовчи 19.06. 1982 й.т. чўпонлик билан шуғулланувчи Сулаймонов Фарход Хабибуллаевичнинг хабарига кўра, 2022 йил 02 сентябр куни соат 02-00ларда, бирга яшовчи турмуш ўртоғи уй бекаси 1987 й.т. Эгамбердиева Шарофат Бахриддиновнани “ўзаро жанжал”оқибатида темир жисим билан бош қисмига бир маротаба уриб, тан жароҳати етказганлигини маълум қилган.</p> <p>Оқибатда Эгамбердиева Шарофат Бахриддиновна олган тан жароҳати юзасидан соғлиғи ёмонлашиб <i>“бош мия очиб жароҳати, мия асосидан синиш, бош мия о-ир даража лат ейиши, мия комаси, бошининг чап қош соҳаси уриб йиртилган жароҳат, троматик шок оғир даражада”</i> ташхиси билан Ғаллаорол ТМҚнинг жонлантириш бўлимига ётқизилган, аммо кўрсатилган тиббий ёрдамларга қарамасдан шифохонада вафот этган.</p> <p>Ғаллаоролдаги ҳолат юзасидан ҳам вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда Ғаллаорол туман бўлими мазкур оила билан суҳбатлашган. Ш.Эгамбердиеванинг турмуш ўртоғи Ф.Сулаймонов 2022 йил август ойлари бошида ишлаб пул топиш мақсадида Қозоғистон Республикаси Олмата вилоятига кетиб, у ерда бироз ишлаб шу йилнинг 29 август куни ўз яшаш манзилига қайтиб келганлиги, келган кунидан бошлаб Ф.Сулаймоновнинг турмуш ўртоғи Ш.Эгамбердиева “нега келдинг ўша ерда ишлаб юравермайсанми” деб ўзига яқинлаштирмаганлиги сабабли улар ўртасидасидаги жанжал бўла бошлаганлиги, 2022 йил 1 сентябрь куни соат тахмина 20-00 ларда оила аъзолари билан биргаликда кечки овқатни еганлиги, овқатланиб бўлгач Ф.Сулаймонов уйига ухлаш учун кирган вақтида Ш.Эгамбердиева “кет” деб жанжал қила бошлаганлиги оқибатида Ф.Сулаймоновнинг кўл телефони ва ётоқхонасидаги телевизор синганлиги, тунги соат 01-30 ларда Ф.Сулаймонов турмуш ўртоғига яқинлашган вақтида Ш.Эгамбердиева уйқудан уйғониб “йўқол яқинлашма” деб айтган вақтида Ф.Сулаймонов бу гапдан жаҳли чиқиб ҳовлига чиқиб тахминан 50 смли армотурани олиб хонага қайтиб кириб, тушукда уйғоқ ётган турмуш ўртоғи Ш.Эгамбердиеванинг бош қисмига арматура билан бир неча маротаба уриб тан жароҳати етказганлиги</p> |
|--|--|--|---|

| | | | | |
|---|--------------------|---|---|---|
| | | | | <p>аниқланган. Гумонланувчи эҳтиёт чораси камокда сақланмоқда.</p> <p>Ғаллаорол туман Оила ва хотин-қизлар бўлими мазкур оила билан доимий алоқада бўлиб турган. Марҳума Ш.Эгамбердиевага моддий ва маънавий ёрдамлар бериб борилган.</p> <p>Юқоридаги ҳар иккала ҳолатда ҳам оиладаги зўравонликнинг бир кўринишига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳар иккала оилага ҳам бир неча бор тушунтириш ишлари олиб борилган, огоҳлантирилган, ҳимоя ордерлари берилган. Оилани тинчлигини сақлаш, мустаҳкамлаш борасидаги барча ишлар кўрилган бўлсада, оилада жиноят содир этилди. Бугун 7 нафар гўдак ҳам онасиз ҳам отасиз қолди. Мазкур ҳолатлардан бошқалар ҳам хулоса чиқаришлари учун вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, вилоят Прократураси, ИИБ ва мутассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Бугун жамиятда ҳамон аёлларга нисбатан турли зўрлик ва тазйиқларнинг учраб туриши бизни янада хушёрликка чорламоқда. Биз оилаларни мустаҳкамлигини сақлашни бош мақсад қилган бўлсакда, аммо оиладаги зўравонликнинг олдини олиш биринчи масала бўлиб турибди. Бу борада Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан қатор чоратадбирларни олиб бормоқда. Ҳолат юзасидан тўғри хулоса чиқаришингизни сўраймиз. Аёлларга нисбатан зўрлик ва тазйиқларнинг олдини олишда жамоатчилик назорати ҳам муҳим эканлигини унутмайлик.</p> <p>https://t.me/oilaxotinqizlar/1825</p> |
| 4 | ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ | Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ тумани https://t.me/Daryo/78945 | Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқда эр хотини раиш туфайли пичоқлаб қўйди https://t.me/Daryo/78945 | <p><i>Расмий муносабат</i></p> <p><i>Қўйи Чирчиқ тумани "Мевазор" маҳалласида яшаётган Мадина Умаровани эри раиш туфайли пичоқлаб ўлдирди. Бугун бу оиланинг боғчадаги жанжали видеоси тарқалган эди. Маълум бўлишича, аёл кеча эри томонидан пичоқланган (https://t.me/ziynatli_uz).</i></p> <p><i>Мадина 1998 йили тугилган эди. Эндигина 24 ёшга тўлган бу аёл оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишларди.</i></p> <p><i>Воқеа ҳар қандай инсонни қалбини ларзага келтиради. Оилавий келишимовчиликлар туфайли ота уйига кетиб қолган Мадинани эри қидириб</i></p> |

| | | | | |
|---|--------------------|---|--|--|
| | | | | <p>келади. Мадинанинг ота-онаси ҳам куёв ўзи келгани учун андиша қилиб, кўришишига рухсат берадилар.</p> <p>Ғирт маст аҳволда бўлган эр эса Мадина билан кўришган заҳоти бўйнига пичоқ тирайди ва уришиб, уни қийнаб азоблайди. Кейин ҳайвонни бўғизлагандек сўйиб ташлайди. Сўнг ўзи воқеа жойидан қочиб кетади.</p> <p>Мадинанинг ота-онаси нима бўлганини англагунча кеч бўлади. Бечора ота қизини машинага солиб, шифохонага олиб кетаётганда Мадина йўлда қийналиб жон беради.</p> <p>Ота-она учун қўйдек бўғизланган қизини қонига бўялиб ётганини кўришдан ортиқ азоб бўлмас керак. Бу даҳшатни тасаввур қилишининг ўзи азоб. Шуниси аниқки, бу оилага энди ҳеч қачон қувонч ва шодлик қайтмайди.</p> <p>Шариатда ҳам бировни зинода айблаш учун 4 та гувоҳ бўлсин, дейилади. Бу ифлос, манқурт эса шунчаки ўзининг субъектив шубҳа-гумонлари учун аёлини қийнаб, итдек азоблаб ўлдирди. Лағнатлар бўлсин бундай номардларга!</p> <p>Ҳеч кимда бировни айбдор қилиш, мустақил ҳукм ўқиш ваколоти йўқ! Динда ҳам, қонунда ҳам бундай усул тақиқланади (https://t.me/ziynatli_uz).</p> |
| 5 | ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ | Фарғона вилояти Қува тумани https://www.facebook.com/fvhokimligi?_cft_/01=AZXkhELR6pqW-ctiTJoIS_2kPIH0GgJcuYUK5nQeEQ9UmtdTukTMfOk-iXVgr-v47quATR9bKx9D_oPbHvSmuBYQsMMY9mTFs3sgK7I9ZwAzkA_F36GxE00ifbudN | https://www.facebook.com/fvhokimligi?_cft_/01=AZXkhELR6pqW-ctiTJoIS_2kPIH0GgJcuYUK5nQeEQ9UmtdTukTMfOk-iXVgr-v47quATR9bKx9D_oPbHvSmuBYQsMMY9mTFs3sgK7I9ZwAzkA_F36GxE00ifbudNzO9Bz8&tn=%3C%3C%2CP-R Фарғонада келин ўзига ўт қўйиб юборди | https://t.me/zamonuz/29774 |

| | | | | |
|---|--------------------|---|---|---|
| | | <u>zO9Bz8& tn_=%3C %3C%2CP- R</u> | | |
| 6 | ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ | Фарғона вилояти Риштон тумани https://t.me/ acchikhakik at/12025 | https://t.me/acchikhakikat/12025 Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин- қизлар давлат қўмитаси раиси кабулига келганлиги, аммо кира олмаганлиги | <p>Rasmiy munosabat</p> <p><i>October 13, 2022</i></p> <p>Fuqaro G‘afurova Sevara Abdumannopovna 03.12.1979 yilda tug‘ilgan, 5 nafar farzandlari bor.</p> <p>Ushbu fuqaro bir necha yildan buyon Toshkent shahrida yashab kelganligi hamda o‘zining jamiyatda yurish-turish va insoniylik qoidalariga rioya qilmaganligi hamda Toshkent shahrida doimiy yashash joyi bo‘lmaganligi sababli Toshkent shahridagi ayollar reabilitasiya markaziga 2021 yilning 17 sentyabridan 2022 yilning 9 fevraliga qadar joylashtirilgan.</p> <p>S.G‘afurova reabilitasiya markazida 5 nafar farzandi bilan yashab kelgan. U, reabilitasiya markazidagi sog‘lom hayot tarziga qaytarilayotgan ayollarni ham o‘z domiga tortib, g‘arazli niyatlarda, davlatdan norozi kayfiyatda ijtimoiy tarmoqlarda chiqishga undab kelgan.</p> <p>9 fevral kuni Toshkent shahridagi reabilitasiya markazida yashab kelayotgan fuqaro S.G‘afurovani Farg‘ona viloyatiga olib ketish uchun borilganida, fuqaro tomonidan quyidagi talablar o‘rtaga qo‘yildi.</p> <p>Jumladan: Uni MFYning “Temir daftar” ro‘yxatiga olish, Onasining uyida yashashni istamasligi, Yangi O‘zbekiston talabiga javob beradigan zamonaviy uy joy bilan ta‘minlanishi, Onasining uyidagi isitish tizimini qaytadan ta‘mirlash, kontrakt to‘lovlarini qoplab berish, o‘qishi davomida Toshkent shahrida ijara asosida turishi va ijara pullarini davlat tomonidan to‘lab berilishi kabi talablarni qo‘ygan.</p> <p>Fuqaro S.G‘ofurova, 2022 yilning 9 fevral sanasida Rishton tumaniga vakillar bilan birga qaytib borgan.</p> <p>Dastlab fuqaroning yashash xonadonida sharoit yaratish uchun muddat talab etilganligi bois, Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash bo‘limi boshlig‘i M.Bekmirzayevaning iltimosiga binoan, “Miskin” MFYda yashovchi tadbirkor M.Polvonovning xonadoniga 5 nafar farzandi va onasi bilan birga 7 kishini joylashtirishgan.</p> |

| | | | |
|--|--|--|--|
| | | | <p>10 fevral sanasida T.Tojiyeva va M.Bekmirzayevalar birgalikda, fuqaroning xonadonida yashash uchun qulay shart-sharoit yaratish maqsadida borilib, barcha kerakli ishlar amalga oshirilgan xolda, 10 dan ortiq obodonlashtirish xodimlari tomonidan tartibga keltirish ishlarida qatnashib, xonadon ichkarisi va tashqarisidagi chiqqan 2 mashina musorlar toza hudud xodimlari tomonidan olib ketildi.</p> <p>S.G'afurovaning xonadoni, elektr energiyasi va tabiiy gazdan qarzdorligi bo'lganligi sababli, tarmoqdan uzilganligi aniqlanib, tuman hokimi S.Soliyevning topshirig'iga asosan, elektr va tabiiy gaz tarmog'iga ulab mutassadilar tomonidan yoqib berilgan.</p> <p>S.G'afurova olib borilgan sa'y-harakatlarga qaramasdan, ushbu xonadonida yashash istagi yo'qligi va fuqaroga tumandagi ko'p qavatli bir necha xonadonlar tavsiya etilishiga qaramay, uning ko'ngliga to'g'ri kelmaganligini bildirib rad etdi.</p> <p>Shuningdek, 2020 yilda oilani moddiy ta'minotini yaxshilash va turmush o'rtog'ining bandligini ta'minlash maqsadida tuman Bandlikka ko'maklashish markazi tomonidan subsidiya asosida 0.06 sotix yer maydoniga issiqxona qurib berilgan.</p> <p>Tuman Xalq banki orqali imtiyozli kredit asosida 3 bosh qora mol va unga yetarli ozuqa bilan ta'minlangan.</p> <p>28.07.2021 yil kuni tuman hokimi S.Soliyev va Mahalla va oilani qo'llab quvvatlash bo'limi boshlig'i M.Bekmirzayevalar tomonidan fuqaro S.G'afurovaga 2 mln 120 ming so'm naqd pul ko'rinishida moddiy yordam berilgan.</p> <p>02.09.2021 yil kuni tuman "Saxovat va ko'mak" markazi tomonidan 8 xil turdagi jami 450 ming so'mlik oziq-ovqat mahsulotlari xonadonga olib kirib berildi. Bundan tashqari uning shaxsiy plastik kartasiga tuman imom xatiblari tomonidan 1 500 000 (bir million besh yuz ming) so'm pul mablag'i o'tkazib berilgan. Bundan tashqari, Oliy o'quv yurtida kontrakt asosida o'qiyotganligi bois Rishton tumanidagi homiylar hisobidan 5 000 000 (Besh milion) so'm naqt pul ko'rinishida kontrakt to'lovi uchun berilgan.</p> <p>Bundan tashqari, 2021 yilda Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universitetiga o'qishga qabul qilinganidan keyin, Bosh prokuratura tavsiyasi</p> |
|--|--|--|--|

| | | | | |
|---|--------------------|--|---|--|
| | | | | <p>asosida Universitet talabalar yotoxonasiga joylashtirilgan.</p> <p>Joriy yil 13 oktyabr kuni Oila va xotin-qizlar davlat qo‘mitasi raisi Z.Mahkamova fuqaro S.G‘afurovani qabul qilgan bo‘lsa-da, murojaatchi tomonidan “Z.Mahkamova meni qabul qilmasdan mashinasiga o‘tirib ketdi” deb ijtimoiy tarmoqqa videomurojaat joylagan. Vaholonki, fuqaro S.G‘afurovani Qo‘mita raisi Z.Mahkamova tongda ham, xuddi shu kuni ikkinchi marotaba tushdan keyin ham shaxsan qabul qilgan. Va qilgan murojaatini ijobiy tomonga hal etish yuzasidan mutasaddilarga topshiriq bergan hamda shaxsiy nazoratiga olganini ma’lum qilgan.</p> <p>Qo‘mita raisi hamda mutasaddilari tomonidan har bir murojaatchi bilan individual tartibda yondashib, muammolarini to‘liq va har tomonlama o‘rganib, ularni qonun doirasida xal etib kelmoqda.</p> <p>Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi matbuot xizmati</p> <p>https://t.me/davlatqomita/4729</p> |
| 7 | ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ | Фарғона вилояти Қўштепа тумани https://daryo.uz/ | https://daryo.uz/ Қайнота келинини шавқатсизларч а пичоқлагани тўғрисида | <p>#RASMIY_MUNOSABAT</p> <p>Daryo.uz saytida Farg'onada qaynota kelinini qasddan o'ldirganligi haqidagi xabar tarqaldi (http://dy.uz/zcge7).</p> <p>Ayni mehnatining rohatini ko'rib, nevaralar qurshovida keksalik gashtini surish, kelinlar qo‘lidan issiqqina choy ichib, farzandlarini duo qilib keksalik gashtini surar chog‘ida 64 yoshida kelinining qotiliga aylanish.... “Soching oqarganda yuzing qoraymasin” deb bejiz aytmaydi xalqimiz.</p> <p>Farg‘ona viloyati Qo‘shitepa tumanida bo‘lib o‘tgan mudhish voqea barchani sergak torttirdi. Oila tinch-totuv va ahil yashab, mahalla-ko‘y, qo‘ni-qo‘shnilar orasida obro‘li xonadonlardan bo‘lgan. Birgina arzimas sababdan ko‘tarilgan janjal mana shunday ayanchli intiho topganiga ishinging kelmaydi.</p> <p>Yaxshi niyatlar ila 12 yil avval kelin bo‘lib tushgan, turmush o‘rtog‘i va 2 nafar farzandini oq yuvib, oq taragan, qaynota-qaynonaning xizmatini qilib kelgan yoshgina juvonning hayotiga nisbatan qilingan bu harakatni hech nima bilan oqlab bo‘lmaydi.</p> <p>Jinoyat jazosiz qolmaydi, biroq bir oila arzimas sabab ortidan parokanda bo‘ldi. Kelin ham birovning</p> |

| | | | | |
|--|--|--|--|---|
| | | | | <p>dilbandi, qizi, avvalo u ONA, bir oilaning bekasi. Buni anglamaslik oqibatida oila bekasiz, voyaga yetmagan ikki bola onasiz qoldi.</p> <p>Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi 10 va 8 yoshli ikki norasidaning keyingi taqdiriga g'amxo'rlik qilishni o'z zimmasiga oladi.</p> <p>Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi matbuot xizmati https://t.me/fargona_oilavaxotinqizlar/1758</p> |
|--|--|--|--|---|

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
Ахборот хизмати

